

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-1017-1023>

Юлдошев Улуғбек Асқар ўғли

Ўзбекистон давлат жисмоинй тарбия ва спорт университети таянч докторанти

E-mail: u.yuldoshevtsue@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги кундаги Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларни амалга оширишида **давлат-хусусий шерикликни** иқтисодиётимиздаги ўрни ва аҳамияти, илмий ва назарий жиҳатларини тадқиқ қилишида давлат-хусусий шерикликка оид атамалар шарҳи келтириб ўтилган. Давлат-хусусий шериклик иштирокчилари ва манфаатдор субъектларининг ўзаро боғлиқлигига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Давлат-хусусий шериклиги муваффақиятли ривожланиши учун ҳуқуқ, мајсбурият ва масъулият соҳаси хусусий ҳамкорлар ва давлат ўртасида самарали тақсимланиши зарурлиги ва тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларга еришишида давлат-хусусий шерикликни қанчалик муҳимлиги келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: давлат, хусусий шерик, давлат-хусусий шериклик (ДХШ), лойиҳа, хусусий сектор, тараққиёт стратегияси, бизнес, соҳа.

АННОТАЦИЯ

В статье описана роль и значение государственно-частного партнерства в реализации целей, поставленных в стратегии развития Нового Узбекистана в условиях современной экономики, условия государственно-частного партнерства в исследовании научно-теоретических аспектов. Особое значение также придавалось взаимосвязанности участников и заинтересованных субъектов государственно-частного партнерства. Отмечается важность государственно-частного партнерства в достижении целей, изложенных в стратегии развития, и необходимость эффективного распределения прав, обязанностей и ответственности между частными партнерами и государством для успешного развития государственно-частного партнерства.

Ключевые слова: государство, частный партнер, государственно-частное партнерство (ГЧП), проект, частный сектор, стратегия развития, бизнес, сфера.

ABSTRACT

The article describes the role and importance of public-private partnership in the implementation of the goals set in the development strategy of the new Uzbekistan in today's economy, the terms of public-private partnership in the research of scientific and theoretical aspects. Particular importance has also been attached to the interconnectedness of participants and interested subjects of the public-private partnership. The importance of public-private partnership in achieving the goals set out in the development strategy and the need for effective distribution of rights, obligations and responsibilities between private partners and the state for the successful development of public-private partnership is mentioned.

Keywords: public, private partner, public-private partnership (PPP), project, private sector, development strategy, business, sphere.

КИРИШ

Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар бугунги ҳаётимиздаги улкан янгиланишлар, бекиёс ўзгаришлар том маънода ватандошларимизнинг Ватан тақдирига бўлган дахлдорлик ва масъулиятилик ҳисси билан яшашида намоён бўлмоқда. Бу ҳақида сўз юритилганда мамлакатимизда фуқаролик жамиятига оид ўзига хос демократик сиёсий тизимининг хусусиятларини ривожлантириш масаласи, унинг асосий тамойиллари давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев томонидан 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳар томонлама асослаб берилганлиги халқаро ташкилотлар ва халқимиз томонидан алоҳида эътироф этилаётганлигига кўриш мумкин.

Узоқни кўзлаб, ҳар томонлама чуқур мантиққа асосланган ва тизимли равишда олиб борилаётган ишларда иқтисодий соҳаларда ўзгаришлар фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари ва худудий дастурлар қабул қилинди ва уларнинг ижросининг таъминланиши натижасида жамиятда инсон манфаатларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг иш тажрибаси, муваффақиятли ишбилармонлик муҳити, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикликнинг ўрни ва аҳамиятли жуда муҳимдир. Давлат-

хусусий шериклик мамлакатни муваффақиятли амалга ошириш, инқироздан кейинги мураккаб шароитда давлатнинг узоқни кўзлаб иш юритиш билан ўзаро муносабатларга тайёрлигига боғлиқдир.

Мамлатимизда давлат-хусусий шерикликни ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сонли Қонуннинг кучга киритилиши давлат билан хусусий шериклар ўртасидаги мулкий муносабатларни ривожлантириш ҳамда ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни жойларда бартараф этишда хусусий сектор билан давлат секторини ижтимоий – иқтисодий ҳамкорлигига янги лойиҳаларни амалга оширишда намоён бўлади.

Энг аввало, олдимизга турадиган масала сифатида Давлат-хусусий шериклик нима? Давлат-хусусий шериклик қачон пайдо бўлган?

Олимларнинг изланишлари ва тарихий маълумотлар шундан далолат берадики, қадим замонлардан бери давлатлар хусусий тадбиркорлар билан деярли барча даврларда иқтисодий ҳамкорлик қилиб келишган. Инсониятнинг янги тарихий даврида ҳокимият ва хусусий тадбиркорларнинг ҳамкорлиги тобора ошиб бормоқда, шунга яраша қўшма инфратузилма лойиҳалари сони ҳам анча кўпайди. Сувайш ва Панама каналлари лойиҳалари улар орасидаги энг йириги ҳисобланади. 1855 йилда “Сувайш каналининг умумий компанияси” хусусий корхонаси Миср вице-қиролидан Қизил ва Ўрта Ер дengизини бирлаштирувчи Сувайш каналини қуриш учун концессияни амалга ошириш ҳуқуқини олади. Компания акцияларининг 44 фоизи Миср ҳукуматига, 53 фоизи Францияга тегади, қолган 3 фоиз акцияларни бошқа мамлакатлар харид қиласди. Концессия шартларига кўра, лойиҳадан олинган даромад қуйидагича тақсимланиши кўзда тутилади: акциядорларга фойданинг 75 фоизи, Миср ҳукуматига 15 фоизи, компания асосчиларига эса қолган 10 фоизи тегиши керак эди. Қурилиш ишлари 11 йилдан сўнг якунланади ва канал кемалар қатнови учун 1869 йил ноябрда очилади. Ҳозирги кунда канал эксплуатациясидан олинган маблағлар Миср ғазнасига тушадиган валюта киримларининг салмоқли улушини ташкил қилишини кўришимиз мумкин.

Франциянинг рамзига айланган машҳур Эйфел минорасининг қурилиши концессияга яна бир ёрқин мисол бўла олади. 1887 йилда Александр Гюстав Эйфель Париж шаҳри муниципалитети билан шартнома тузади. Унга кўра, минора 25 йил фойдаланиш шарти билан ижара ҳуқуки асосида унга тақдим этилади. Шунингдек, 1,5 млн олтин франк миқдорида субсидия тўлаш ҳам кўзда тутилади. Бу минорани қуриш учун сарфланадиган барча ҳаражатларнинг

25 фоизини ташкил этар эди. Минора эксплуатация вақти давомида экскурсиялар, лифтларга чиқиш учун сотилган чипталар, сувенир сотиш ҳуқуқини бериш, ресторанларнинг ижара тўловларидан тушган пул ҳисобига ўз харажатларини оқлади [1; 24].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Давлат ва хусусий шерикчилиги қонун, турли ҳалқаро молия ташкилотлари, хорижий ва миллий иқтисодчи олимлар, мутахассислар томонидан ҳар хил талқин этилади.

“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунда ҳамкорликнинг ушбу турига “давлат органлари ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги”, деб тавсиф берилган [2;1]. Давлат бошқаруви органлари, жумладан жойлардаги ижро органлари давлат номидан шерик, маҳаллий ва хорижий инвесторлар эса хусусий шерик сифатида қатнашади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD - *Organisation for Economic Cooperation and Development*) давлат-хусусий шерикликни ҳуқумат ва бир ёки бир нечта хусусий шерикларнинг (ўзаро бажарувчи ёки молиялаштирувчи ташкилот бўлиши мумкин) ўзаро келишуви бўлиб, унга биноан шериклар хизматларни шундай тақдим этилишини таъминлайдики, бунда давлатнинг хизматларни тақдим қилиш ва хусусий инвесторнинг фойда олиш мақсадлари ўзаро муштарак бўлади ҳамда мазкур алоқанинг самарадорлиги хусусий шерикка рискларни қандай тақсимланганлигига боғлиқ [3; 11].

Ҳалқаро Валюта жамғармаси томонидан берилган таърифда эса “Давлат-хусусий шериклик – давлат томонидан анъанавий тарзда таъминланадиган инфратузилмавий активлар ва хизматларни хусусий сектор томонидан тақдим этишга қаратилган келишувдир” деб атаган [4; 1].

“Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) - давлат ва хусусий ташкилот ўртасида давлат инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда хусусий томоннинг қатнашишига имкон берувчи шартномавий келишувдир” деб тавсиф берилган [5; 23].

Германиялик мутахассис “Давлат-хусусий шерикликни узоқ муддатли асосда давлат ва хусусий секторни зарур ресурсларни (ноу-хау, капитал,

ходимлар) уйғунлаштириш асосида давлатнинг вазифаларини самарали ечиш бўйича ҳамкорлиги” [6; 12] деб қараган.

МДҲлик олимлардан М. Дерябина “Давлат-хусусий шериклик - давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро институционал ва ташкилий иттифоқи бўлиб, унинг мақсади мамлакат ва унинг ҳудудлари миқёсида стратегия муҳим тармоқларни ривожлантиришдан то ижтимоий хизматларни тақдим этишгача бўлган вазифаларни адо қилишдир” [7; 70] деб талқин этган.

НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда мамлакатимизда Молия вазирлиги хузуридаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик соҳаси бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширишда масъул этиб тайинланган. Ушбу агентлик республикада давлат-хусусий шериклик бўйича сиёсатни белгилайди, лойиҳаларни кўриб чиқади, тармоқ вазирликлари билан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги тендер хужжатлари ва шартномаларни мувофиқлаштиради, тендерларни ишлаб чиқиш, ўтказиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан ёрдам беради. Осиё Тараққиёти банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Ислом тараққиёти банки ва Жаҳон банки лойиҳаларда консультант (маслаҳатчи) сифатида иштирок этмоқда.

Агентлик томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан бигаликда 2021 йил давомида жами 183 та давлат-хусусий шериклик (ДҲШ) лойиҳалари бўйича, жумладан энергетика соҳасида 5 та, коммунал хизматлар соҳасида 2 та, транспорт соҳасида 1 та, соғлиқни сақлаш соҳасида 19 та, сув хўжалиги соҳасида 97 та, экология соҳасида 28 та, таълим соҳасида 6 та, ҳунармандчилик саноати соҳасида 13 та, маданият соҳасида 8 та ҳамда спорт, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва хуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида 1 тадан, яъни умумий қиймати 2,6 млрд. АҚШ долларидан ортиқ бўлган лойиҳалар устида ишлар олиб борилди. Шундан:

- ДҲШ тўғрисидаги битими имзоланган лойиҳалар сони – 160 та;
- ДҲШ тўғрисидаги битими имзоланиш арафасида бўлган лойиҳалар сони – 4 та;
- Тендер босқичида бўлган лойиҳалар сони – 19 та;

МУҲОКАМА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси

тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонида хам давлат-хусусий шерикликнинг иқтисодиётимиз учун қанчалик муҳимлиги ҳамда “маҳалла ҳудудларида давлат-хусусий шериклик асосида спорт ва маданий иншоотлар, ижодий клублар, бандликка кўмаклашиш ва ўқитиш марказлари, тадбиркорлик обьектлари каби инфратузилмани яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилсин” [8; 4] таъкидлаб ўтилди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларда хам давлат-хусусий шерикликни қанчалик аҳамиятини кўришимиз мумкин:

- хусусий секторга ўтказиладиган айрим давлат функциялари сонини 3 баробарга ошириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш [8; 18] (6-мақсад 1-банд);

- давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард АҚШ долларга teng инвестиция жалб этиш [8; 29] (26-мақсад 3-банд);

- сув хўжалиги обьектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш [8; 32] (31-мақсад 3-банд);

- Тошкент шаҳрида оқова сувини тозалаш тизимини шаҳар ҳудудидан ташқарига чиқариб, давлат-хусусий шериклик асосида янги иншоотларни барпо этиш [8, 34] (34-мақсад 5-банд);

- талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик асосида барпо этишда лойиҳаларни молиялаштиришнинг мақбул усулларини йўлга қўйиш (48-мақсад 1-банд) [8; 40].

ХУЛОСА

Мақоламиизда давлат-хусусий шерикчилик иборасига молия ташкилотлари, хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикр ва муносабатларини кўриб чиқиб, мамлакатни истиқболи учун узоқ муддатли стратегик ва инновацион вазифалари ва мақсадларидан келиб чиқсан, хар қандай ҳолатдаги юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни бир четта қўйиб, йирик ва ижтимоий аҳамиятга эга обьектларни қуриш ва хизматларни кўрсатиш учун хусусий сектор билан амалга оширишда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсад ва устувор вазифалар асос бўлиб ҳисобланади.

Давлат-хусусий шериклик келажакда амалга ошириш мумкин бўлган лойиҳаларни яратиш, реал маълумотлар билан шакллантириб ва мунтазам таҳлил этиб бориш, лойиҳалар учун тренинг тизимини яратиш, инфратузилма

ва ижтимоий соҳани кўшимча ривожлантириш борасида изчил ишларни белгилаш ва давлат шеригини танлашда шаффоф ва адолатли тизим ишлаб чиқиши бугунги қуннинг энг муҳим ва долзарб масаласидир.

REFERENCES

1. Бик С.И., Радзиевский А.С. Концессии, изменившие мир. М.: Коттон лейбл, 2014. 224 с. Источник: <https://institutiones.com/general/2840-tendencii-razvitiya-gosudarstvenno-chastnogo-partnerstva.html> © Экономический портал
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида” ги ЎРҚ-537-сонли қонуни. www.lex.uz.
3. Dedicated Public-Private Partnership Units: A Survey of Institutional and Governance Structures, OECD, 2010.
4. Public-Private Partnerships. International Monetary Fund, 2004.
5. Closing the Infrastructure Gap: The Role of Public-Private Partnerships. A Deloitte Research Study. 2006.
6. Hans Wilhelm Alfen (ed.), Public-Private Partnership in Infrastructure Development - Case Studies from Asia and Europe// Bauhaus-Universität Weimar, 2009.
7. Дерябина М. Государственно-частное партнерство: теория и практика / М. Дерябина // Вопросы экономики. - 2008. - N8. С. 61-77.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони. www.Lex.uz
9. Aliyev, B. (2022). Qudrat va farovonlik omili. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(3), 1171-1182.